# Таъмирлаш ишлари сабабли эртага туманнинг айрим ҳудудларида электр таъминотида узилишлар кузатилади

Ҳурматли электр энергияси истеъмолчилари диққатига!

Ўзбекистон туманининг айрим ҳудудларини электр энергияси билан таъминловчи 110 кВли " Л ЯУЗ" юқори кучланишли электр узатиш тармоғида юзага келиши мумкин бўлган носозликни олдини олиш мақсадида, маълум таянч шлефлари ва изоляторларни алиштирилиши муносабати билан, эртага, 26 ноябрь куни соат 09:00 дан 17:00 га қадар ушбу тармоқдан электр энергиясини етказиб бериш  вақтинча тўхтатилади.

Шу сабабли 110/35/10 кВли “Яйпан”, 35/6 кВли “Шўрсув”, 35/10 кВли “Конизар” ҳамда 35/10 кВли “Нурсух” каби нимстанциялари ҳамда мазкур нимстанциялардан таьминланувчи ҳаво узатмалари орқали электр энергияси етказиб берилишида узилишлар кузатилади.

Таъмирлаш ишларига “Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖнинг тегишли бўлим, хизматлари, зарур автотранспорт воситалари жалб этилади.

Таъмирлаш вақтида келтирилган вақтинчалик ноқулайликлар учун узр сўраймиз.

**Ўзбекистон тумани электр таъминоти корхонаси**
**Мурожаат учун телефон:☎** (95) 402–13–52, (73) 539-16-03

2022-11-25 17:18:41